

аниқ. Намоз вақти кириб бўлди, одамларга имом бўлиб бера оласанми?» деди. У: «Ҳа, агар хоҳласанг», деди. Шунда Билол намозга иқома айтди ва Абу Бакр розияллоху анху олдинга ўтиб, таҳрима такбирини айтди. Одамлар ҳам таҳрима такбирини айтишди. (Сўнг) Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам сафларни орасидан ўтиб келиб, сафга турдилар. Одамлар қарсақ чала бошлашди. Абу Бакр розияллоху анху намозиди қайрилиб қарамас эди. Одамлар (қарсақни) кўпайтириб юборгач, қайрилиб қаради. Қараса, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам турибдилар. У зот унга ишора қилиб, намозни ўқийверишга буюрдилар. Абу Бакр розияллоху анху кўлини кўтариб, Аллоҳга ҳамд айтди. Сўнг орқасига тисарилиб, сафга турди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам олдинга ўтиб, одамларга намоз ўқиб бердилар. Фориғ бўлгач, одамларга юзланиб: **«Эй одамлар! Сизларга нима бўлдики, намозда бирон нарса рўй берса, қарсақ чалишга тушдингиз? Қарсақ чалиш фақат аёллар учун. Кимнинг намозиди бирон нарса рўй берса, «Субҳаналлоҳ» десин». Чунки «Субҳаналлоҳ», дейилганда бирор киши эшитса, ўгирилиб қарайди»,** дедилар. Сўнгра: **«Эй Абу Бакр, сенга ишора қилганимда одамларга намоз ўқиб бераверишингга нима тўсқинлик қилди?»** дедилар. Абу Бакр: «Набий соллаллоху алайҳи васалламга имомлик қилиш Абу Қуҳофанинг ўғлига тўғри келмайди», деди».

Муттафақун алайҳ.

Манба: hadis.islom.uz

